

ISSN: 2181-4031

# ФУНДАМЕНТАЛ

ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛИ

3-СОН

МАРТ, 2023



IMFAKTOR  
PAGES



ISSN: 2181-4031  
DOI Journal 10.56017/2181-4031

**ФУНДАМЕНТАЛЬНЫЕ  
ИССЛЕДОВАНИЯ  
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ  
НОМЕР-3**

**ФУНДАМЕНТАЛ  
ТАДҚИҚОТЛАР  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ  
3-СОН**

**FUNDAMENTAL STUDIES  
SCIENTIFIC-PRACTICAL JOURNAL  
VOLUME-3**



**ТОШКЕНТ - 2023**

## ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР

илмий-амалий журнали

№ 3 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2023-3>

### Бош муҳаррир:

Тураев Б. – фалсафа фанлари доктори, профессор

### Масъул муҳаррир:

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

### Таҳририят аъзолари:

Кенжабаев А. – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расулова Д. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Саттаров О. – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Исҳоқов М. – тарих фанлари доктори, профессор

Абдуҳалимов Б. – тарих фанлари доктори, профессор

Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент

Мадумаров Т. – юридик фанлар доктори, профессор

Қодиров Б. – юридик фанлар доктори, доцент

Қиличев Х. – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Баҳодиров Р. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Саифназаров И. – фалсафа фанлари доктори, профессор

Идиоров У. – сиёсий фанлар доктори, профессор

Абдуллаев Н. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Сатторов А. – сиёсий фанлар номзоди, доцент

Умаров А. – социология фанлари доктори, профессор

Матибаев Т. – социология фанлари доктори, профессор

Каюмов К. – социология фанлари бўйича фалсафа доктори

Мазкур фанлараро илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55, E-mail: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.

# ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

*Иқтисодиёт фанлари*

**РАҲИМОВ Жасур Тўлқин ўғли**

*Мустақил тадқиқодчи*

<https://10.5281/zenodo.7756513>

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш орқали инвестиция фаоллигини ошириш йўллари ҳамда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** қимматли қоғозлар, инвестиция, инвестиция фаоллиги, инвестиция портфели, капитал, капитал баҳоси, даромадлар, харажатлар.

## НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ИНВЕСТИЦИОННОЙ АКТИВНОСТИ ЗА СЧЕТ РАЗВИТИЯ РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются способы повышения инвестиционной активности в нашей стране за счет совершенствования рынка ценных бумаг, а также комментарии по развитию рынка ценных бумаг в нашей стране.

**Ключевые слова:** ценные бумаги, инвестиции, инвестиционная деятельность, инвестиционный портфель, капитал, оценка капитала, доходы, расходы.

## DIRECTIONS FOR INCREASING INVESTMENT ACTIVITY THROUGH THE DEVELOPMENT OF THE SECURITIES MARKET

### ANNOTATION

This article describes ways to increase investment activity in our country by improving the securities market, as well as comments on the development of the securities market in our country.

**Keywords:** securities, investment, investment activity, investment portfolio, capital, capital valuation, revenues, expenses.

Бугунги жаҳон иқтисодиёти глобал рақобатга асосланган. Ҳеч бир миллий иқтисодиёт ўзини ўзи таъминлаш орқали ривожлана олмайди. Шунингдек, жаҳондаги тенденция кўрсатмоқдаки, хорижий фонд биржаларида молиявий инструментларнинг юзлаб турлари амал қилмоқда. Капитал бозорини янада ривожлантириш, корхоналарни фонд бозори орқали хусусийлаштириш амалиётини кенгайтириш, аҳолининг қимматли қоғозларга инвестиция қилишини рағбатлантириш ва молия бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш мамлакатимиз рағбатли йўлидаги долзарб масалалардан бирига айланган [1].

“Глобал тўғридан-тўғри инвестицияларнинг оқими 2021 йилда 1,58 трлн. АҚШ долларини ташкил этди. 2020 йилдагига нисбатан 64 фоизга ошди [2].

Мана шундай шароитда ҳукуматлар бизнес учун ҳар томонлама қулай шароитлар яратиш, хусусан, мулк дахлсизлигини таъминлаш, солиқ юкини кескин камайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, фойдани эркин тасарруф этиш борасида инвесторларга енгилликлар тақдим этиш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки фақатгина миллий инвестициялар билан мунтазам ўсиб бораётган эҳтиёжларни таъминлаш имконсиз. Бошқа томондан, миллий инвесторлар учун яратилган етарлича шарт-шароитлар хорижий сармоядорларнинг ҳам кизиқиши ортишига хизмат қилади.

Жаҳон амалиётида мамлакатларнинг инвестицияларга бўлган талабларини рағбатлантириш, инвестициялар ресурс базасини кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш, қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши натижасида инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, ҳудудларда инвестиция фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада миллий иқтисодиёт ва алоҳида олинган минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни тўлақонли ташкил қилиш негизида мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, иқтисодиётда инвестицион фаолликни белгилловчи кўшимча омил ва имкониятларни аниқлаш, инновацион фаолликни рағбатлантириш ва тадбиркорлик фаолиятида инвестицион таваккалчиликни бошқариш механизмларини такомиллаштириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

*Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.* Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш орқали инвестиция фаоллигини ошириш йўллари ҳамда мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш йўллари борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган ҳамда тадқиқ этилган. Хусусан, хорижлик иқтисодчилар Д.Б.Кругскихнинг фикрига кўра, “инвестицион фаолик иқтисодий категория сифатида инвестициялар таркибининг ўсиши ва такомиллаштирилишини, уларни қўллашнинг истиқболли йўналишларини кенгайтиришни ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий параметрларини яхшилашни таъминлайдиган иқтисодий ва ташкилий муносабатлар мажмуидир” [3].

Иқтисодчи олим Э.А.Саляховнинг фикрича, корхонанинг инвестицион фаоллиги кенгроқ тушунчадир. Бу корхона фаолиятининг шундай ўзига хос хусусияти бўлиб, у хоўжалик юритувчи субъектнинг нафақат иқтисодий барқарорлигини, муҳим ривожланиш салоҳиятига эга эканлигини, балки самарали инвестиция қилинадиган бўш маблағларнинг катта миқдорига эга эканлигини кўрсатади [4].

Л.Н.Салимовнинг эътирофи этишича эса “... кенг маънода инвестицион фаоллик - бу бир томондан, инвестицион имкониятларнинг, иккинчи томондан, инвестиция фаолиятининг берилган якуний мақсадига эришиш эҳтимоли даражасининг мураккаб динамик ўзаро таъсирининг ҳақиқий натижасидир” [5].

М.В. Маркусенко эса “хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион фаоллиги жамғармалар даражаси ва иқтисодий ўсиш суръатлари, мамлакат бюджетининг ҳолати, инфляция даражаси, тўлов баланси ва бошқа бир қатор омиллар билан белгиланишини” келтириб ўтган [6].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Х.Худойқулов ўзининг илмий тадқиқотидаривожланган давлатларда фонд бозорларидаги активларни баҳолашда тармоқли, ҳудудий, жамланма ва глобал индекс турларидан фойдаланган ҳолда баҳолашини ва фонд бозорларида молиявий активларни баҳолаш илк маротаба статистик кўрсаткич сифатида қўлланилган жамланма индекслар ҳозирги кунга қадар дунё фонд бозорларининг асосий кўрсаткичи сифатида кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқдалигини эътироф этган [7].

Юқоридаги иқтисодчи олимлар томонидан билдирилаётган фикр ва мулоҳазаларда инвестиция фаолликни шакллантириш ҳамда капитал баҳосини баҳолашнинг молиявий жиҳатлари тадқиқ этилган аммо мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш орқали инвестиция фаоллигини ошириш йўллари юзасидан фикр мулоҳазалар келтириб ўтилмаган.


*Тадқиқот методологияси.* Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган. Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантқиқий фикрлаш, статистик усулларида фойдаланилган.

*Таҳлил ва натижалар.* Сўнгги йилларда капитал бозорини ривожлантириш, шу жумладан қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш мақсадида мутахассислар томонидан ушбу фаолият комплекс равишда бозор конъюнктурасини ўрганиб, таҳлил қилинди. Яъни, унинг айна пайтдаги ҳолати, ривожланишга тўсиқ бўлаётган муаммолар аниқланди. Ушбу таҳлил натижаларидан келиб чиққан ҳолда, капитал бозорини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди. Уни ишлаб чиқишда Буюк Британия, Франция, Гонконг, АҚШ каби мамлакатлар капитал бозорини ривожлантиришда катта тажрибага эга нуфузли халқаро экспертлар гуруҳи билан бевосита ҳамкорлик қилди. Бундан ташқари, мазкур стратегияни ишлаб чиқишда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки катта ёрдам беришди. Ўзбекистон капитал бозорини барча тармоқларини ривожлантириш борасида муҳим йўналишлар белгилаб берилган.

Сўнгги бир неча йилда республикада фаолият юритаётган қайси компаниялар қимматли қоғозлар бозорига чиқиб кенг доирадаги инвесторларга ўз акцияларини таклиф қилишди. Агар мавжуд фактларга таяниб гапирадиган бўлсак, бундай компаниялар кўп эмас. Масалан, “Кварц” акциядорлик жамияти IPO (Initial Public Offering) ва SPO (Secondary Public Offering) бўйича иккита битимни амалга оширди. 2018 йилда “Кўкон механика заводи” акциядорлик жамияти акциялари фонд бозорига жойлаштирилган бўлса, шу кунларда “Жиззах пластмасса заводи” акцияларининг жойлаштирилув жараёни давом этмоқда. Шуни қайд қилиш жоизки, фонд бозорига жойлаштирилган акциялар сони ва суммаси биз кутганчалик катта эмас.

Бундан ташқари, операцияларни амалга ошириш механизми бозор талабларидан бир мунча узоқ. Хусусан, юқорида келтирилган мисолларда ҳар бир инвесторга нисбатан қимматли қоғозларни сотиб олишда муайян чекловлар ўрнатилган эди. Демак, бу борадаги ишларимизни ҳали такомиллаштиришимиз лозим. Қимматли қоғозларни фонд бозорига муваффақиятли олиб чиқиш учун у ерда инвестицион воситачилар ишлаши зарур. Бугунги кунда IPO жараёнини тартибга солиши керак бўлган мавжуд ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар инвестицион воситачиларга кўзда тутилган натижаларга эришиш имконини бермайди.

Инвестицион фаоллик қуйидагиларни ўз ичига олади: инвестиция капиталини концентрациялаш ва тақсимлаш, ишлаб чиқариш фаолиятини интеграциялаш, тўғридан-тўғри ва портфелли инвестицияларини ривожлантириш, инвестиция дастурларини амалга оширишнинг ташкилий омиллари ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушуришни фаоллаштириш. Ўрганишлар жараёнида инвестицион фаолликни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди (1-расм).



1-расм. Инвестицион фаолликни тавсифловчи кўрсаткичлар тизими [8].

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда тасдиқланган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-598 – сон қонуннинг 34-моддасида инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ҳамда преференциялар бериш кўзда тутилган. Инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган имтиёз ҳамда преференциялар қуйидагиларни ўз ичига олиши мумкин: давлат мулки бўлган объектларни ёки уларга бўлган мулк ҳуқуқларни имтиёзли ёки ногна тенг харид қиймати бўйича инвесторга бериш; солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар бериш; инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун инвестор томонидан олинган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш [9].

Имтиёзлар ва преференциялар қуйидагиларга қараб берилади: инвестициялар ҳажмига; инвестиция лойиҳаси амалга ошириладиган жойнинг шарт-шароитларига; кутилаётган ижтимоий-иқтисодий самарага ва янги иш ўринларини яратишга; инвестиция лойиҳасини амалга ошириш соҳалари ва тармоқларига. Инвестицияларни миқдорини, айниқса тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ҳажмини ошириш мамлакатда иқтисодий ўсишни янада жадаллаштиради. Бу эса 2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам инвестицияларни иқтисодиётимизга жалб қилиш бўйича белгиланган вазифаларни бажаришга асос бўлади.

Худудлар иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш аввало молиялаштириш ресурсларининг мавжудлиги ва инвестиция ресурсларини фаол жалб қилиш имкониятларига боғлиқдир. Бошқача айтганда, мамлакатнинг алоҳида минтақаларида ишлаб чиқаришга инвестицияларни оқилона жалб қилиш орқали комплекс ривожланишни таъминлаш худудий даражада, ишлаб чиқилаётган иқтисодий ва инвестиция дастурлари билан белгиланади.

Бу эса инвестицион бошқарув тизимини такомиллаштириш, инвесторлар фаолиятининг омилларини таҳлил қилиш, инвестициялар бозорини рағбатлантириш механизминини ишлаб чиқиш, инвестиция ҳажмларини ошириш ва ресурсларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига йўналтириш орқали минтақада инвестицион фаолликни ошириш учун янги шарт-шароитлар яратишни тақозо этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда инвестицион фаолликнинг сустиги, авваламбор, ишлаб чиқаришга илмий-техника ютуқларини жалб этиш, ресурслар билан таъминлаш, экспортга йўналтирилган маҳсулотларни етиштиришни кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини оширишга, пировардида эса, такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини барқарор ривожланишини таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, юқори унумли, замонавий асосий воситаларни сотиб олиш, қайта таъмирлаш, қуриш учун узоқ муддатли ва айланма маблағларига сарф қилинадиган қисқа муддатли инвестицияларни жалб этиш суръатлари ва уларнинг миқдорига боғлиқдир. Шунингдек, инвестицион фаолликни оширишда узоқ ва қисқа муддатга жалб этиладиган инвестициялар нисбати ва миқдори ҳам муҳим роль ўйнайди. Тармоқларда инвестицион фаолликни ошириш учун эркин иқтисодий муносабатлар принциплари асосида мамлакат инвестицион фаолликнинг механизмларини ишлаб чиқиш зарур. Қуйида келтирилган 2-расмда мамлакат инвестицион фаолликнинг механизмлари акс эттирилган.



1.2-расм. Мамлакатимизда инвестицион фаолликни ошириш механизмлари

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ташкилий-иқтисодий модели асосини инвестицион фаоллик, иқтисодий, ижтимоий, инновацион омиллар, рақамли платформалар, шунингдек, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси, тармоқ ва тармоқлараро кластерлар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, молия-кредит муассасалари, минтақавий, тармоқ ва маҳаллий инвестиция дастурлари ташкил қилади.

Бугунги кунда жадал фаолият юритаётган корхоналар қиёсий устунликларидан фойдаланиш инвестиция сиёсатини олиб боришнинг асоси сифатида қайд этилганлиги билан характерланади. Аммо, замонавий иқтисодий ва геосиёсий шароитларда корхоналарнинг фаолият самарадорлиги унинг рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи қатор омиллар билан боғлиқ бўлиб, мазкур жараён сармоявий фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, бу борада глобаллашув жараёнларининг таъсирини тадқиқ этиш жараёнига устуворлик бериш муҳим аҳамият касб этади. Корхоналарнинг ҳудудий ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараён иқтисодий ривожланишга бевосита таъсир этувчи элемент сифатида унинг фаолиятини ривожлантириш учун ҳам инвестицияларнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Албатта, инвестициялар бугунги молиявий ресурсларнинг “кучли сезгирлиги” шароитида инвестицион жозибадорлиги юқори бўлган ҳудудларга “интилиши” ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабдан корхоналарнинг иқтисодий ривожланиш ҳолатининг асоси бўлган - инвестицион фаолликни таърифлаб берувчи корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш асосий йўналишлардан биридир.

Қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш орқали инвестиция фаоллигини ошириш йўллари юзасидан олиб борилган изланишлар бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди.

1. Жаҳон амалиётидан келиб чиқсак, фонд бозори таркибида давлат облигациялари (давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар) бошқа турдаги қимматли қоғозлар учун пойдевор вазифасини ўтайди. Давлат облигацияларининг даромад ставкалари ўз навбатида хавфсиз (рисксиз) инвестициялар баҳосини кўрсатади. Агар биз давлат қимматли қоғозлари бозори ликвидлигини ва барча турдаги инвесторлар учун очиқлигини таъминлаб беролмас эканмиз, бошқа муваффақиятлар ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар биз давлат қимматли қоғозларини ликвидли иккиламчи бозорга олиб чиқолмасак, маҳаллий фуқароларга ва хорижий инвесторларга тўғри бозор нархларида эркин савдо қилиш имкониятини яратиш беролмасак, биз ҳақиқий бозор механизмларига асосланган капитал бозорини ярата олмаймиз.

2. Республика банклари давлат облигацияларини сотиб олишса, яъни ушбу қимматли қоғозларга сармоя киритишса, бу маблағлар мажбурий резервга жойлаштирилган нақд пул сифатида қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, мамлакатимиз тижорат банклари Марказий банкда очилган коррҳисобда мажбурий резерв сифатида нақд пул ушлаб туриш ўрнига давлат облигациялари сотиб олишлари мумкин. Бу механизм республика Марказий банки ва Молия вазирлиги томонидан киритилган. Мазкур коррҳисобларда нақд пул ушлаб туриш жуда кам фоиз ставкаларида даромад келтиришини ҳисобга олсак, табиийки, тижорат банклари учун бу механизмнинг афзаллик томонлари яққол кўриниб турибди. Бу амалиёт мамлакат фонд бозорини “нотуғри” шаклда ёки услубда ишлашига олиб келмоқда.

3. Инвестицион фаоллик фақат минтақанинг инвестицион жозибадорлигига боғлиқ бўлган натижа сифатида кўриб чиқилади. Бизнинг фикримизча, реал амалиётда тескари муносабатлар ҳам мавжуд: юқори инвестицион фаоллик, бошқа нарсалар қатори, кўламнинг кенгайиши ва инвестиция фаолиятининг янги йўналишларининг пайдо бўлиши, унинг самарадорлигини оширишда намоён бўлади, инвестиция салоҳиятини янгилашда муҳим омил ҳисобланади. Минтақанинг инвестиция фаоллиги мамлакатнинг маълум бир ҳудудига хос бўлган макро ва мезо ҳамда микроиқтисодий даражадаги кўплаб омиллар таъсири остида ўзгарган объектив хусусият сифатида ишлайди. Инвестицион фаолликнинг ушбу детерминантлари иқтисодий, ижтимоий, институционал хусусиятларга эга бўлиб ҳисобланади.

## ИҚТИБОСЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони.
2. [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022_en.pdf)
3. Крутских Д. Б. Сущность инвестиционной активности региона. вестник вгу. серия: экономика и управление. 2011. № 1.
4. Салимов Л. Н. Сущность инвестиционной активности и её значение в управлении региональной экономики // Вестник Челябинского государственного университета. 2009. №9 (147). Экономика. Вып. 20. С. 83-88. 14.
5. Маркусенко М.В. Влияние инструментов валютной политики на инвестиционную активность Белорусских товаро-производителей. Стратегические решения и риск-менеджмент. 2015;(6):82-89. <https://doi.org/10.17747/2078-8886-2015-6-82-89> . 3.10.2022. 15.
6. Ананьина В. Коэффициент инвестиционной активности. <https://finzz.ru/коэффициент-инвестиционно-активности-норматив-расчет.html> . 29.09.2022. 16.
7. Худойкулов Х.Х. “Фонд бозори активларини баҳолаш механизмини такомиллаштириш” И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.авторреферати. – Т. ТДИУ. 2018 й.
8. Муаллиф ишланмаси.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда тасдиқланган “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида” ги ЎРҚ-598-сон Қонуни.